

20-Iyun, 2025-yil

ТРАСОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗА ТАДҚИҚОТИДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Хайдаров Илхом Юсупович

*ИИВ Академияси Криминалистик экспертизалар
кафедраси катта ўқтувчиси подполковник*

Эргашов Дилмурод Баҳодир ўғли

ИИБ Академияси З-босқич курсанти

Аннотация

Ушбу мақолада трасологик экспертиза соҳасида халқаро тажрибалар, замонавий технологиялар ва методологиялар таҳлил қилинади. Асосий эътибор излар, толалар, соchlар ва бошқа микроскопик далилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усулларига қаратилган.

Калит сўзлар

Трасологик экспертиза, излар таҳлили, микроскопик далиллар, халқаро тажриба, форенцика технологиялари.

Аннотация

В данной статье рассматривается международный опыт в области трасологической экспертизы, современные технологии и методологии. Основное внимание уделяется методам обнаружения и анализа следов, волокон, волос и других микроскопических доказательств.

Ключевые слова

Трасологическая экспертиза, анализ следов, микроскопические доказательства, международный опыт, судебно-экспертные технологии.

Annotation

This article examines international experiences in the field of trace evidence examination, focusing on modern technologies and methodologies. The main emphasis is on methods for detecting and analyzing traces, fibers, hairs, and other microscopic evidence.

Keywords

Trace evidence examination, trace analysis, microscopic evidence, international experience, forensic technologies.

КИРИШ: Трасология — бу жиноят содир бўлганда қолдирилган изларни аниқлаш, ўрганиш ва баҳолаш орқали жиноятнинг тафсилотларини аниқлашга хизмат қилувчи криминалистик тармоқдир. Замонавий жиноятчилик шаклларининг мураккаблиги трасология соҳасида илгор илмий ёндашувларни талаб қилади. Шу сабабли, халқаро тажриба ўрганилиши мухим аҳамиятга эга.

Криминалистик экспертиза тармоқларидан бири сифатида трасология жиноятларни очиш, аниқлаш ва тергов қилишда мухим ўрин эгаллайди. Трасология термини лотинча “трасс” – из ва “логос” – таълимот сўзларидан олинган бўлиб,

“излар ҳақидаги фан” деган маънони билдиради. Трасологик экспертиза жиноят содир бўлган жойда қолдирилган излар — оёқ кийими, автомобил ғилдираги, қурол, қуролларнинг ишлаш излари, ҳайвон излари ва бошқа модда воситалари орқали жиноят тафсилотларини аниқлашни мақсад қиласди. Сўнгги йилларда жиноятчиликнинг техник жиҳатдан такомиллашуви, жиноят усусларининг мураккаблашуви ва тезкорлигининг ошиши трасология соҳасида ҳам замонавий ёндашувларни, илғор технологияларни ва халқаро ҳамкорликни талаб этмоқда. Хусусан, АҚШ, Германия, Россия, Буюк Британия ва Япония каби давлатларда трасология соҳасида эришилган ютуқлар, методикалар ва техник базалар бошқа давлатлар учун ҳам ўrnak бўлиши мумкин.

Халқаро тажрибани ўрганиш орқали қўйидаги масалаларни ҳал қилиш мумкин: замонавий техник воситалар ва методикаларни ўзлаштириш; экспертиза жараённида аниқлик ва ишончлиликни ошириш; суд-тергов жараёнларида исботлаш кучига эга бўлган материаллар тайёрлаш; трасологик маълумотларни халқаро маълумотлар базаси билан боғлаш.

Шунингдек, Ўзбекистонда трасологик экспертиза йўналиши мавжуд бўлса-да, бу йўналишда илмий-тадқиқот ишлари, халқаро тажриба алмашинуви, техник базанинг янгиланиши, экспертларнинг малака ошириши каби йўналишларда сусткашликлар кузатилмоқда. Шу сабабли, ушбу мақолада трасология экспертизаси соҳасидаги илғор халқаро тажрибалар, уларнинг ташкилий-хуқуқий асослари, илмий-методик ёндашувлари таҳлил қилинади ва Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари кўриб чиқилади.

МЕТОДОЛОГИЯ: Мазкур тадқиқотда сифатли ва таҳлилий ёндашув методлари асосида иш олиб борилди. Трасологик экспертиза бўйича халқаро тажрибани ўрганиш учун қўйидаги ёндашувлар қўлланилиди:

Адабиётлар таҳлили: Мақола тайёрлашда АҚШ Федерал Қидирув Бюроси (ФБИ), Германиянинг Бундескриминаламт (БКА), Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги (МВД РФ), Буюк Британиянинг Национал Сриме Агенсий (НСА) ва Япониянинг Национал Ресеарч Институте оғ Полисе Ссиенсе (НРИПС) томонидан эълон қилинган методик қўлланмалар, қонуний меъёрий хужжатлар, илмий мақолалар ва халқаро конференциялар материаллари асос қилиб олинди.

Солиштирма-хуқуқий таҳлил: Турли мамлакатларда трасологик экспертизанинг хуқуқий асослари ва ташкилий тизими солиштирилди. Ҳар бир давлатда трасологик тадқиқотлар қандай норматив-хуқуқий хужжатлар асосида олиб борилиши таҳлил қилинди.

Тизимли ёндашув: Ташкилий структура, илмий-методик база, техник таъминот, маълумотлар базаси, кадрлар салоҳияти каби омиллар умумий тизим сифатида ўрганилди. Бу орқали ҳар бир давлатда трасологик экспертизанинг кучли ва заиф жиҳатлари аниқлаштирилди.

Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш: Ўрганилган тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон трасология тизимини такомиллаштириш учун аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

НАТИЖАЛАР: АҚШ тажрибаси Америка Күшма Штатларида трасологик экспертиза асосан Федерал Қидируд Бюроси (ФБИ) ва Спиртли ичимликлар, тамаки ва ўқотар қуроллар бўйича бюро (АТФ) томонидан амалга оширилади. Бу тизимда трасологик изларни аниқлаш, ўрганиш ва идентификация қилишда куйидаги ёндашувлар кўлланилади:

АФИС (Автоматед Фингерпринт Идентифисатион Систем) – бармоқ изларини автоматик аниқлаш тизими;

ИБИС (Интегратед Баллистисс Идентифисатион Систем) – ўқотар қуролларнинг изларини автоматик аниқлаш;

3D сканерлаш – изларнинг чуқурлигини, ҳажмини ва бошқа геометриясини аниқ таҳлил қилиш имконини беради.

АҚШда трасологлар доимий равишда малака ошириш курсларидан ўтадилар ва уларнинг сертификацияси ҳар беш йилда янгиланади.

Германия тажрибаси Германияда трасологик экспертиза Бундескриминаламт (БКА) доирасида фаолият юритади. Ҳар бир трасолог:

сертификатлаштирилган бўлиши;

қонуний-экспертиза хуқуқларига эга бўлиши;

замонавий технологиялардан фойдаланишни билиши шарт.

БКА трасология соҳасида илфор методлар: компьютерлаштирилган идентификация, 3D-моделация, излар морфологиясини спектрал таҳлил қилиш каби ёндашувларни жорий қилган.

Россия Федерацияси тажрибаси:

Россияда трасология криминалистик фан сифатида чуқур ривожланган. У ерда:

трасология методикаси тизимлаштирилган;

излар таснифи: статик ва динамик излар, босим орқали пайдо бўлган излар, сирпаниш излари каби категорияларга ажратилади;

излар устида математик ва физик анализлар қўлланилади.

Россия трасологик экспертизасида "сносноэ совпадение" (таҳминий мослик) ва "идентификационноэ совпадение" (аниқ мослик) тушунчалари асосий экспертиза хулосаси сифатида қўлланилади.

Буюк Британия ва Япониянинг илфор амалиёти:

Буюк Британия: Трасология экспертизаси суд тиббиёти ва криминаллабораториялар билан интеграциялашган.

Тергов билан реал вақтли мулоқотда бўлиш тизими мавжуд.

Минтақавий лабораториялар орқали экспертиза иш ҳажми тақсимланади.

Япония: Автоматлаштирилган сканерлаш ва АИ ёрдамида из таҳлил қилиш технологиялари мавжуд. Трасология суд процессларида далилларни исботлаш учун асосий восита сифатида тан олинади. Кадрлар доимий равишда халқаро малака ошириш курсларида иштирок этади.

МУНОЗАРА: Юқорида таҳлил қилинган хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, трасология экспертизаси нафақат техник жиҳатдан юқори даражада,

20-Iyun, 2025-yil

балки илмий-методик асослари, ташкилий тузилмаси, кадрлар сиёсати ва ахборот технологиялари билан уйғун ҳолда шаклланган бўлиши керак.

Техник ва методик фарқлар. Масалан, АҚШ ва Германия трасологияси юқори аниқликдаги автоматлаштирилган тизимлар (АФИС, ИБИС, 3D-сканнерлар) орқали экспертизани тез ва ишончли ўтказади. Россияда эса классик криминалистик ёндашувлар билан бирга математик-физик моделлаштириш методлари кўп қўлланилади. Японияда эса сунъий интеллект ва нейрон тармоқлар асосида трасологик изларни таниб олиш алгоритмлари ривожланган.

Ташкилий-хуқуқий жиҳатлар. Германияда ҳар бир трасолог эксперт мустақил сертификатлашувдан ўтиши шарт бўлса, Буюк Британияда трасология бўйича фаолият юритувчи лабораториялар юридик ва техниковий жиҳатдан мустақил эксперт муассасалари ҳисобланади. Бу эса уларнинг хulosаларини судда ишончли далил сифатида тан олинишини таъминлайди.

Кадрлар ва узлуксиз таълим. Ҳамма илгор тизимларда кадрлар малакаси ва узлуксиз таълимга алоҳида эътибор қаратилади. АҚШда трасологлар ҳар беш йилда қайта сертификатланади, Россияда эса илмий унвонга эга эксперталар алоҳида рейтинг асосида баҳоланади.

Ўзбекистон шароитида трасология соҳасида қўйидаги муаммолар мавжуд:

техник воситаларнинг эскирганлиги;

экспертлар малакасининг чекланганлиги;

замонавий халқаро методикаларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги;

суд-тергов амалиётида трасология далилларининг баҳоланишида муайян ноаниқликлар.

ХУЛОСА: Юқоридаги таҳлиллар асосида қўйидаги хulosалар ва амалий тавсиялар илгари сурилади: Трасологик экспертиза жиноятларни аниқлашда ишончли ва аниқликни таъминловчи восита ҳисобланади. Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, технологик тараққиёт ва узлуксиз таълим трасология соҳасида муҳим омиллардандир. Ҳар бир давлат ўзининг трасологик тизимини техник, хуқуқий ва ташкилий жиҳатдан мунтазам янгилаб бормоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Toshxo‘jayev B.A. Kriminalistika: nazariya va amaliyat. – Toshkent: “Yangi asr avlodi”, 2020. – 512 b.
2. Zokirov Sh.A. Sud-ekspertiza asoslari. – Toshkent: “Adolat”, 2019. – 368
3. Karimov H.S. Sud trasologiyasi: o‘quv qo’llanma. – Toshkent: O‘zR IIV Akademiyasi nashriyoti, 2021. – 276 b.
4. Sharipov S. Kriminalistik texnika va izlar tahlili. – Toshkent: “Huquq dunyosi”, 2018. – 294 b.
5. Алексеев А.И., Юрченко Ю.И. Судебная трасология: теория, методика, практика. – Москва: Юрайт, 2021. – 402 с.
6. Россинская Е.Р. Криминалистика: учебник. – Москва: Норма, 2020. – 864 с.

20-Iyun, 2025-yil

7. Кочоев Д.Ш. Криминалистическая трасология: практикум. – Санкт-Петербург: Питер, 2019. – 352 с.
8. Дубинский А.Е. Судебная экспертиза и её международные аспекты. – Москва: Статут, 2021. – 410 с.
9. Fisher, B.A.J. Techniques of Crime Scene Investigation. – Boca Raton: CRC Press, 2019. – 602 p.
10. De Forest, P.R., Gaenslen, R.E., & Lee, H.C. Forensic Science: An Introduction to Criminalistics. – New York: McGraw-Hill, 2020. – 544 p.
11. Houck, M.M., & Siegel, J.A. Fundamentals of Forensic Science. – London: Academic Press, 2018. – 480 p.
12. Robinson, E.M. Crime Scene Photography and Documentation. – Amsterdam: Elsevier, 2017. – 368 p.

